




172 нафар ишсиз фуқаронинг 67 нафарини доимий ва мавсумий иш билан банд қилдик. Йил якунига қадар маҳаллада бирорта ишсиз фуқаро қолмайди, ҳаммасини даромадли қиламиз.



“Маҳалла еттилиги” билан ишлашимиз натижасида январь-май ойларида 90,7 млн. сўм миқдорида қўшимча манба аниқланди. 30,5 млн. сўм миқдоридаги маблағ маҳалла бюджети сифатида шаклланди.



2024 йил
18 МАЙ,
ШАНБА

Маҳалла

№27
(2165)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Тадбиркорлар солиқ инспекторини оғриниб кутиб олмайди

Самардорлик кўрсаткичи (KPI) юқори бўлган солиқ инспекторларининг асосий қисмини айнан улунорликлар банд этишган. Бу бежизга эмас. Уларнинг аксариятини озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, кийим-кечак ва қурилиш моллари савдо дўконлари ташкил этади.

5-с.

Жиноят 27 фоизга камайган, бироқ...

Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Пулат Бобо-жонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Сирғали ва Янгиҳаёт туманларида ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида тунги вақтларда ташкил этаётган тадбирларни ўрганди.

6-с.

“Хатто кичик омиллар ҳам эътибордан четда эмас”

Маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолиятини бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин аввал туман ижтимоий бўлимида ишлаб, тизимни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўришимиз мумкин.

7-с.

Рўзғорини бутлашга ҳисса қўшган аёллар

Хозирда ўртача ўттиз миллиондан ортқ даромад топаётган бўлсак, буни ҳалол меҳнатимиз билан янада кўпайтироқчимиз. Айтишди-ку, “Меҳнатнинг таги роҳат” деб. Келгусида ниятларим жуда кўп. Айни пайтда, аёлларга имтиёзли кредитлар берилляпти. Шу асосида фаолиятини кенгайтириб, бўш иш ўринларини ташкил қилиб, кишлоғимизда ишсиз юрган хотин-қизларни бандлигини таъминламоқчиман.

8-с.

Кахрамон КУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Равшн, сиёсатшунос:

“Энг муҳим мезон — одамлар дунёқараши ўзгаряпти, бахтли яшаш иштиёқи ортяпти”



МАҲАЛЛА: КЕЧА ВА БУГУН

Маҳалла — узок ўтмиш, маҳалла — бутун, маҳалла — келажак. Бу кўҳна халқа асрлар давомида халқимиз ҳаётининг мазмунини аниқлаб беришга қолмай, кадриятлар, инсоний муносабатлар, орзу ва мақсадлар асоси бўлиб келган. Ота-боболаримиз маҳаллага эш бўлиб, эл дардини ашлаб ўтган, бутун биз шуну муҳитда яшаб, фарзандларимизни юртга қўшим, эл қорига камарбаста қилиш шиятдамиз.

Давоми 2-, 3-саҳифаларда.



Бугун маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашига ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўп-рик вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Шу заминда яшаётган, унинг сув-нонини тотаётган киши борки, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этолмайди. Шу боис маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини ошириш — ҳар қачонгидан-да муҳим ва долзарб.

Ислохотлар қачон натижа беради? Қачонки, улар пухта ўйланган ва кенг кўламлилик касб этган бўлса, аниқ йўналишларни камраб олса ва одамлар бу ўзгаришларни ўз ҳаёти мисолида ҳар кун қўриб, ҳис этиб яшаса... Айни мақсадларда энг яхши ва энг тўғри йўл танланди: маҳалланиннг ижтимоий аҳамияти оширилди, аҳоли ҳаётини яхшилашда МАҲАЛЛА ОДДИЙ ИШТИРОКЧИ ЁКИ ИЖРОЧИ ЭМАС, БАЛКИ У ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН, АҲОЛИНИНГ МУАММОЛАРИНИ ЕЧАДИГАН МАРКАЗГА АЙЛАНТИРИЛДИ.

Вазифа аниқ, навбат — ташаббус ва амалий ҳаракатга

Айни кунларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ишчи гуруҳлари вилоятларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ўрганмоқда, “Сайхунобод тажрибаси” асосида йўлга қўйилган ишларни кўздан кечиряпти, бандлик ва ишрация масалаларини таҳлил қилмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Уюшма ишчи гуруҳи аъзолари вилоят маҳаллаларида аҳоли даромадини ошириш бўйича ўрганиш ишлари олиб бормоқда. Жумладан, Қўшқўпир туманидаги “Ошоққалъа” маҳалласида йўлга қўйилган тажрибалар кўздан кечирилди. Шу ерда яшовчи Бахтиёр Худойкулов хонадонда имтиёзли кредит эвазига паррандачилик ва балиқчилик фаолияти йўлга қўйилган. Равшанбек Қурёзовга субсидия асосида мотокультиватор ва имтиёзли кредит ажратилган. У бугун ўз томорқасида иссиқхона ташкил қилиб, даромад топомқда. Фаррух Рўзақовга ажратилган 65 млн. сўм кредит эвазига ҳозирда асалари-чилик фаолияти йўлга қўйилган.



Хонқа туманидаги “Қорамози” маҳалласидаги 500 дан зиёд хонадон дала ва уй томорқаларида қулундай етиштирилади.

Давоми 2-саҳифада.

ОЙЛИК

Маҳаллаларда маънавият тарғибот қилиняпти

Худудларда “Май — маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги” доирасидаги учрашувлар, фестиваллар, спорт ва ватанпарварлик мусобақалари кўтаринки руҳда ўтказилляпти

Ойлик доирасида Қашқадарё вилояти маҳаллаларида ёшларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган шукроналик, ватанпарварлик мавзуларидаги фильмлар намойишлари ташкил этилмоқда. Хусусан, Чирочки туманидаги Тарағай кишлоғида Кинематография агентлигининг “Снайпер — Зебо Ғаниева” хужжатли фильми ҳамда “Аёл қисмати” бадиий фильми йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Президентимизнинг махсус топшириги асосида амалга оширилган “Меҳр” операциялари тўғрисида ҳикоя қилувчи “Аёл қисмати” фильмида ёт ғоялар билан алданиб, хорижга кетган ватандошларимизнинг, айниқса, аёлларнинг аянчли тақдири, уларни Ватанга, жаннатмакон Ўзбекистонга олиб келиниши вақтидаги кечинмалари ҳикоя қилинади.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

“Сайхунобод тажрибаси” аҳолига даромад келтиряпти

Йил бошида томорқа ва уй хўжаликларини имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича “Сайхунобод тажрибаси” яратилиб, у бутун республикада уммаланштирилсини қайд этилганди.

Янги тажрибага кўра, маҳаллаларнинг ҳар бирига 1 тадан минн трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб бериллади. Ҳоким ёрдамчилари 1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади, агрономлар билан бирга, томорқа ерларини хайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади.

Давоми 4-саҳифада.

ИШЧИ ГУРУҲ

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетаниннг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим 17-19 май кунлари РАСМИЙ ТАШРИФ билан мамлакатимизда бўлади.



Президент Тошкент шаҳрида миллий эстрада санъати маъража, Ўзбекистон халқ артисти БОТИР ЗОКИРОВ ҳайкали очилиш маросимида иштирок этди.



Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевни ТАВАЛЛУД КУНИ муносабати билан табриклади.

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

“ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН — ОДАМЛАР БАХТЛИ ЯШАШ



Қахрамон КУРОНБОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Раиси, спёсатшунос.

лим, ижтимоий соҳа объектларига доир 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9 452 та маҳалла, 208 та туман (шаҳар), 14 та ҳудуд ва республика “баланс”и шакллантирилди. Аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни бартараф этиш бўйича “Йўл харита”лари, маҳаллалар “Омбор китоби” ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳар бир маҳалланинг Бандлик дастури ишлаб чиқилди.

ИККИНЧИ МЕЗОН: ободлик ҳар бир маҳаллага кириб борди.

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари узоқ-яқин маҳаллалардаги одамлар ҳаётига мазмун олиб кирди. Бундан тўққиз-ун йил аввал пойтахтдан юзлаб қақирим узокликдаги маҳаллаларда кўчалар асфальт бўлади, мактаблар қайта қурилади, қишлоқ болалари ҳам боғчага қатнайди, тоза ичимлик сув келади, хотин-қизларга маҳалланинг ўзида иш ўрни яратилади, деса, рости биров ишонмасди. Ёки бўлмаса, одамлар бюджет тақсимида иштирок этиши, ўз маҳалласи, қишлоғи ободлиги йўлида маблағ ютиб олиши имконсиздек юмуш эди.

Бугун-чи? Холистик ва виждон юки билан айтганда, обод қишлоқлару фойзал маҳаллаларга ҳаммининг, ривожланган юрт одамларининг ҳам ҳаваси келади. Бунёдкорлик нафаси кириб бормаган маҳалла қолмади. Айниқса, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида одамлар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ҳудуддаги муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этипти.

Ўзүмизни рақамларсиз айтмайлик: биргина 2024 йилнинг ўтган даври ичида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳлари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида 660 мингга яқин хонадон, 15,3 мингта ижтимоий соҳа объектини манзилли уради. 12 414 та муаммоли масаланинг 6 905 таси (55,6 фоиз) жойида ҳал этилди. Хусусан, 322 км. ички йўллар шогаллаштирилди, 272 та трансформатор таъмирланди, 2 137 та электр таянч устунлари ўрнатилди, 3 704 та хонадон ичимлик сув тармоғига уланди, 47 717 та хонадонга суюлтирилган газ баллонни берилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсумида барча маҳаллалар ўз тақлифлари билан иштирок этди.

УЧИНЧИ МЕЗОН: маҳаллада тадбиркорлик ривожланипти.

Тадбиркори бор, тадбиркори бой маҳалла одамлари ҳам яхши яшайди. Сабаби, маҳалла шундай даргоҳки, бу ерда униб-ўсган, катта мақсадларига эришиб, мўмай даромад топаётган инсон борки, кўшнисига бирон нафи тегади. Ҳеч бўлмаса, янги иш ўрни яратилиб, аёлу ёшлар пул топа бошлайди. Авваллари қайсидир маҳаллага чет эллик инвестор келганини ҳеч эшитганимиз. Йўқ. Улар Тошкентдан нарига боришга ҳайқарди. Чунки эркин, кафолатли муҳит бўлмаган. Бугун энг чеқка маҳаллаларда ҳам хоржилик инвесторларни

учратасиз. Бир эмас, кўплаб кўрасиз.

Президент ташаббуси билан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантирадиган, камбағалликка, ишсизликка барҳам берадиган институт яратилди — ҳоким ёрдамчиси! Улар ёрдамида “Маҳаллабай” тизими асосида ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир фуқаронинг яшаш шароити ўрганилди, маҳаллаларнинг “Усиш нукталари” аниқланди. Шу асосда ишсиз фуқаролар касб-хунарга ўқитилди, бизнесини бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит ва субсидиялар берилди. Бунинг натижасида камбағаллик даражаси сўнгги икки йилда 6 фоизга қисқарди.

Миграциядан қайтган ва хорижга ишга кетаётганлар билан ишлаш бўйича “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилиб, етарли малакаси бўлмаганлар чет тилларига, касб-хунарга қўшимча ўқитилмоқда. Томорқадан самарали фойдаланиш — одатий юмушга айланипти. Хусусан, биргина “Сайхун-обод тажрибаси” асосида томорқада икки-уч марта махсулот етиштириб, шу ерда аҳоли бандлигини таъминлашга эришилипти.

Мана бу рақамларга эътибор беринг: жорий йилнинг дастлабки чорагида 31 869 нафар фуқарога Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 552,9 миллиард сўндан ортқ имтиёзли кредит ажратилди. 2023 йилда ҳоким ёрдамчилари кўмағида 241 минг нафар фуқарога ижара асосида ер берилди, 1,6 миллион нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Қолаверса, 73 минг нафар фуқарога 356 миллиард сўмлик субсидия ажратилди, 181 минг нафари касб-хунарга ўқитилди. 1,1 миллиондан ортқ камбағал оиланинг индивидуал дастурлари ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўй-ҳаракатлари билан маҳаллаларга 26 та банк масъуллари бириктирилди, 2 214 та маҳаллада “ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш” бизнес дастури ишлаб чиқилди. Шу кунгача 107 595 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Маҳаллаларнинг иштисослашуви асосида Ханобод шаҳридаги “Янгиҳаёт”

● **Бугун давлатдан ёрдам кутиш, “менга ҳаммасини давлат қилиб бериши керак”, деган қараш билан яшаш вақти эмас. Аксинча берилаётган имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракат қилиш, бизманига қизиқиш вақти.**

маҳалласи, Хива туманидаги “Истиқлол” маҳалласи ҳамда Сайхунобод туманидаги “Иттифок” маҳалласи тажрибалари амалиётга жорий этилди. Ҳозиргача 2 908 та маҳалла иштисослашуви ўрганилиб, янги “ўсиш нукталари” аниқланди.

Тўртинчи МЕЗОН: ёшлар маҳалланинг ўзида ишли бўляпти.

Ёшлар орасида миграция асосида хорижга ишлашга кетиш — одатий қарар бўлиб қолган, уларни шу ерда ишли қилиш, касб-хунар ўргатишга эҳтиёж бор эди.

Президент қарори асосида ёшлар билан ишлашда ўзига хос тизим — ёшлар етакчиси институти жорий этилди, биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 9 452 та маҳаллада “Ёшлар баланси” шакллантирилиб, 8,3 миллион нафарининг қизиқиши, қобилияти ва тақлифларини амалга оширишга қаратилган “Ёшлар омбор китоби” ишлаб чиқилди. Уларнинг 123 281 нафари давлат идоралари раҳбарига номма-ном бириктирилди.

“Ёшлар дафтари” орқали йигит-қизларга кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етди, мурожаатларни кўриб чиқиш мuddати 30 кундан 5 кунгача қисқарди. Ёшлар етакчилари тавсияси билан 8 563 нафар ёшга 34,1 миллиард сўмлик ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатилди. “Ёшлар баланси” асосида 814 минг нафар ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ҳозирда 60,5 минг гектар ер майдонини очик танловга қўйиш ва “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида деҳқончилик фаолияти билан шуғулланиш иштигидаги ёшларга ажратиш чоралари кўрилмоқда.

Бешинчи МЕЗОН: хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ортапти.

Одамлар онгида “Аёл киши уйда ўтириши керак, улар фарзанд тарбияси билан шуғуллана, бас” деган қараш бор эди. Айнан шу туфайли қанчадан-қанча иқтидорли қизлар ўз истеъдодини

намоиш эта олмади, яна қанчасида ўқишга хоҳиши бўлса-да, уйдаги муҳит туфайли бу истакни амалга ошириш имкони бўлмади. Мактабни тугатибоқ турмушга чиқиб кетганлари қанча, дейсиз. Раҳбар, тадбиркор, ишбилармон аёллар сони саноклигина эди.

Олиб боришга қатъий ва жадал сўй-ҳаракатлар туфайли жамиятда, маҳаллада, уйда аёлларга нисбатан муносабат ўзгарди, бугунги кунга келиб “Қиз болани ўқитмаслик керак, улар уйда ўтириши лозим”, деган стереотиплар тобора барҳам топмоқда. Кўпчилик оилаларда келинларнинг олиий маълумотли бўлиши учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилаётгани кишини хурсанд қилади. Бу келажак авлодининг янада билимли ва салоҳиятли бўлиб вога етишига замин яратиши шубҳасиз.

Рақамларга эътибор беринг: ҳозирда олиий таълим муассасаларида ўқиётган талабаларнинг ярмидан кўпини қизлар ташкил этмоқда. Айни пайтда хотин-қизларнинг раҳбар лавозимларда улуши 35 фоизга етди. Биргина ўтган йили маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари кўмағида аёлларга 4,4 триллион сўмга яқин кредит, 40 мингга яқин хотин-қизга 179,1 миллиард сўм субсидия ажратилди. 398 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 100 минг нафари имтиёзли асосда олиийгоҳларга қабул қилинди, магистратурада уларнинг бепул ўқитилиши таъминланди.

Олтинчи МЕЗОН: 64 турдаги ижтимоий ёрдам маҳалланинг ўзида кўрсатилади.

Тахлилларга кўра, ижтимоий ҳимоя соҳаси 30 йил олдинги тизимда қолиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шуғулланган. Бу айрим одамларни ўзини муҳаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашга ўргатиб қўйди. Ногиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган. Ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмини ҳам билмайди.

ИШЧИ ГУРУҲ

Вазифа аниқ, навбат — ташаббус ва амалий ҳаракатга



Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

Тупроққалъа туманида хонадон-хонадон юриб, аҳоли муаммолари ўрганилди. Шунингдек, томорқадан самарали фойдаланиш, хонадонларда

тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича “Сайхунобод тажрибаси” доирасида амалга оширилган ишлар билан танишилиб, аҳолини тадбиркорликка жалб этишда иқтисодий комплекс раҳбарлари хонадонларга бириктирилди.

Хонқа туманидаги “Қорамози” маҳалласидаги ўрганишларда хонадон томорқалари кўздан кечирилди. Маҳалладаги 500 дан зиёд хонадон дала ва уй томорқаларида кулуннай етиштирилди. Утган йили кулуннай майдонлари 30 гектарни ташкил этган бўлса, айни дамда бу кўрсаткич икки бараварга ошган. Мавсум давомиди ҳар гектардан 8 тоннагача ҳосил йиғилиб, ички бозорларга етказиб берилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Республика ишчи гуруҳи Пахтаобод туманидаги “Мустақиллик”, “Тўлаб-жубоз” ҳамда 3.Ҳабибий номи маҳаллаларда бўлди. Бу ерда йўлга қўйилган тажрибалар, “еттилик” фаолияти, томорқадан фойдаланиш маданияти диққат-марказда бўлди. Камчиликлар тахлил қилиниб, аҳоли муаммоларини вақтида ҳал этиш бўйича тушунтириш берилди. Тумандаги 27-ишти-сослаштирилган мактабда ҳамкор ташкилотлар билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир доирасида турли кўргазмалар, мусобақалар, маънавий-маърифий

тадбирлар уюштирилди. Хорижда ишлаётган юртдошларимизни Ватанга қайтариш ва уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, оиласи ҳамда ўзлари учун муносиб шароит яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Хусусан, айни мақсадда Андижон шаҳридаги барча “маҳалла еттилиги” ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда оила аъзолари хорижда бўлганларни “хонадонбай” ўрганиш лозимлиги қайд этилди, чет элда

ишлаётганларнинг яшаш шароити, оилки даромади ва уларни юрти-мизга қайтариш чоралари бўйича вазифалар белгиланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Уюшма мутасаддилари вилоятда бўлиб, маҳаллаларнинг иш фаолиятини ўрганмоқда. Хусусан, Қарши шаҳридаги маҳаллаларда банклар ходимлари билан бирга бандлик дастурларининг бориши таҳлил қилинди. Аҳоли хонадонларига кирилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди.



Шунингдек, Нишон туманида томорқачиликдаги тажрибалар кўздан кечирилди. “Жануб машъали” маҳалласида яшовчи Ботиржон Қурбонов хонадонидеги иссиқхона билан танишилди. Хонадон эгаси 40 сотихли томорқадан бугун яхшигина даромад олмақда. Ана шундай тажрибаларни омаллаштиришга кўрсатмалар берилди.

Миришкор туманида “Бир маҳалла — бир махсулот” тамойили асосида сердаромад ҳамда экспортбон экинларни экиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўздан кечирилди. Хусусан, “Айзабод” маҳалласида яшовчи Шахноза Ғойибовага ажратилган ер майдонида ташкил этилган деҳқон ҳўжалиги фаолияти билан танишилди. 60 сотих ерда қовуннинг “дакиро” нави экилган, жорий йилда ундан 20 тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Ҳосилни етиштириш учун ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан кредит асосида минерал ўғит ва бошқа препаратлар олиб берилди.



Президент қарорига кўра, ҳудудларда ёшлар учун "IT-ШАҲАРЧА"лар ташкил этилади.



Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги МИЛЛИЙ ЭСТРАДА ИНСТИТУТИ фаолияти билан танишди.



Ўзбекистон элчиси РАВШАН УСМОНОВ Британия қироли Чарлз III га ишонч ёрликларини топширди.

дунёқарашни ўзгаряпти, иштиёқни ортяпти

Маҳаллаларда ижтимоий ходим лавозими жорий этилган. "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишда бюрократиядан холи ва маҳалланинг ҳамжихатлигини акс эттирувчи янги тартиб ишга тушди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби такомиллаштирилди, муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури яратилди.

Ўзбекистонда ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан икки бараварга ошди. Натижада кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови беш баробарга кўпайди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди. Ижтимоий хизматларни мувофиқлаштирувчи электрон модуль (e-case) ишга туширилди.

Яна бир жиҳат: "маҳалла еттилиги" назорати остида энди нафақа олувчилар рўйхати, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлаб олмайди деганларнинг оилалари киритилаяпти. Етим ва назоратсиз қолган болаларни қарамоғга олиш бўйича "ихтисослашган тутинган оила" тизими жорий этилмоқда. Қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш, ўғдақлар етим қолишининг олдини олиш учун "Оналар маскани" хизмати ташкил этилди.

ЕТТИНЧИ МЕЗОН: маҳаллалар жиноятдан холи ҳудудга айланмоқда. Профилактика инспектори маҳаллада одамларга энг яқин кўмакчи саналса-да, 2-3 та маҳаллага битта ходим бириктирилгани боис айрим ҳолларда уларни керак пайтда топиб бўлмади. Қолаверса, улар кўшни қишлоқ ва туманлардан қатнаб ишлашга мажбур эди. Бир ҳафтада бир еки икки марта келадиган инспектор билан маҳалланинг жиноятдан холи ҳудудга айлантириш



амримахол эди. **Бугун ҳар бир маҳаллада профилактика инспектори фаолият юритмоқда,** улар "маҳалла еттилиги"нинг ажралмас аъзоси саналади. Уларга кечаю кундуз хизмат қилиши учун ишлаётган маҳалласининг ўзида хизмат уйлари куриб берилди. Халқимизнинг уларга ишончи ошди, ҳар бир фуқаро ўз хавфсизлиги кафолатини профилактика инспектори тимсолида кўрапти. Маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 350 дан зиёд йиғинда ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилди. "Маҳалла еттилиги" аъзоси ўлароқ, улар ҳудуддаги вазиятни жондонлар кесимида ўрганипти.

САККИЗИНЧИ МЕЗОН: солиқ тушумлари маҳалланинг ўзида қоляпти. Солиқ билан боғлиқ ҳолатлар кўпинча одамларни, маҳалладаги тadbirkorларни қийнаб кўярди. Мисол учун,

оддий сомсачилик ёки наввойчилик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаро қонунда белгиланган солиқ тўловлардан ташқари, яна кўшимча тўловларни тўлашига тўғри келарди. Солиқ бўйича билимининг камлиги панд берган вазиятлар кам эмас. **Айни пайтда солиқ инспектори — аҳоли ва тadbirkorларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланди.** Солиқчи — кўмакчи" тамойили асосида 2023 йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларидан прогнозга нисбатан кўшимча 2 триллион сўм маблағ бюджетга туширилди. Узини ўзи банд қилган фуқаролар 2,6 миллион нафарни ташкил этиб, йил бошига нисбатан қарийб 1 миллион нафарга ошди. Энг муҳими, эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи маҳалла бюджетига қолади. Бу — ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани. Ушбу маб-

лағлар маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилади.

Тўққизинчи МЕЗОН: маҳаллаларга маънавий кадрлар қайтапти. "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она", деганда маҳалланинг жамиятда кузатиладиган маънавий-маърифий жараёнларга дахлдор тузилма эканини кўраемиз. Албатта, оила, фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясида маҳалла бениҳоя таъсирчан куч бўлиб келган. Аммо сўнги пайтларда бу таъсирчанлик анча сусайди. Жамиятда оилавий ажралишларнинг кўпайгани, фарзандларнинг тарбиясидаги кемтиклик, ёшларнинг ёт ўнурлар таъсирига тушиб қолиши, ҳуллас, маънавий муҳитдаги беқарорликлар ҳақида кўп гапирса бўлади. **Эндиликда маҳалла маънавиятининг юзи бўлиши кераклигини Президентнинг ўзи талаб қиляпти.** 2023 йил 22

Энг муҳими, бугунги ўзгаришлар, ислохотларга шукроналик туйғуси билан яшаш — ҳар биримизнинг турмуш-тарзимида айлиниши зарур.

ЎНИНЧИ МЕЗОН: соғлом турмуш тарзи оммалашмоқда. Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзига эътибор кучайди. Биргина "Саломатлик йўлақлари" қурилганининг ўзи катта ислохот бўлди. Бугун ҳар биримиз — ёшу қари ўз саломатлигини мунтазам равишда кўришимиз зарур. Чунки ҳаётимиз яхшиланяпти, яшашга иштиёқ кучайган. Давом этсак, ҳар бир маҳаллада болалар спорт майдончалари ташкил этилиб, янги қурилмалар билан жиҳозланди. Аҳоли орасида жисмоний фаолликни ошириш бўйича тadbirkorлик мунтазам йўлга қўйилди. Масалан, биргина "Саломатлик учун беш минг қадам" акциясида ўтган йили 5 миллиондан кўпроқ аҳоли иштирок этди. Умуман, аҳолининг, жумладан, ёшларнинг жисмоний фаоллиги, спортга қизиқиши ортиб, саломатлик ва узоқ умр кўриш кўрсаткичи яхшиланган борапти.

Юқоридагилар — бугун ҳаётимиздаги, маҳалламиздаги ўзгаришлардан бир шингил, холос. Аслида, ҳар бир юрtdошимизнинг шахсий ҳаётида ҳам кўп қутилган ўзгаришлар кузатилади: кимдир уйли, кимдир машинали бўлди, яна бир танишимиз тadbirkorликка қўл урди, бошқаси Ҳажга, Умра зиёратига бориб келди, бир қизимиз китобхонлик танловига голиб бўлиб отасига машина совға қилди, халқаро фан олимпиадаси голиб бўлган ўқувчи ва унинг устози катта пул мукофоти олди... Хуллас, бу каби ўзгаришларни санаб сановига етиш қийин. Умуман олганда, одамлар ҳаётига файз кириб келди. Энг муҳими, боқимандалик кайфияти ўрнини тadbirkorлик, ишбилармонлик, яратувчанлик руҳи эгаллади. Ҳар бир юрtdошимиз ўз ҳаётини яхши томон-

га ўзгартиришга, фаровон яшашга интилоқда. Табиийки, халқимиз ҳаёти фаровон экан, мамлакатимиз кудрати ҳам юксалиб борверлади. Айни пайтда мамлакатимизда 9 452 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Бу шунча таракқиёт маскани бор, дегани. Уйлаб кўрайлик, ҳар бир маҳалла бир йилда жамият ҳаёти, фуқаролар турмуш фаровонлиги йўлида биттадан ташаббусни амалга оширса, Ўзбекистонда бир йилда қарийб 10 мингта янгилик бўй кўрсатади. Энди уларни умумлаштириб, ҳамма маҳаллаларга жорий қилаверсак, бошимиз яхшиликлардан чиқмай қолади. Мана, нима учун Президентимиз маҳаллаларни ривожлантиришга кенг йўл очмоқда?! Бугун давлатдан ёрдам кутиш, "менга ҳаммасини давлат қилиб

бериши керак", деган қараш билан яшаш вақти эмас. Аксинча берилган имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракат қилиш, билмаганига қизиқиш вақти. Нега давлат барча масалалар ечимини маҳаллага туширяпти? Жавоби оддий: маҳалла кимнинг қандай шароитда яшаётганини билади, демак, одамлар ўз муаммоси билан ўзи ёлғиз қилиб кетмаслиги керак, аҳоли маҳалланинг ўзида ҳал бўладиган оддийгина масала билан идорама-идора сарсон бўлмасин. Нега давлат органлари маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб ўрганиш ишларини олиб борапти? Мақсад битта: бугун одамлар қайсидир давлат органига келиб, муаммосини, дардини айтишини кутиб ўтирадиган вақт эмас. Керак бўлса, "Сизни қандай муаммо қийнаяпти?", "Сизга қандай

ёрдам бера оламиз?", дея ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишланяпти. Шунга яраша одамлар ҳам боқимандалик кайфиятидан чиқиб, ташаббус кўрсатиши, янги-янги ёғларни ўртага ташлаши, ислохотлар фойдаланса, уйи, кўчаси, маҳалласи ободлигига имкон қадар ҳисса қўйса, томорқасини бўш қўймаса, ҳар бир ишга илғор фикр, теран тафаккур билан ёндашса бас. Энг муҳими, бугунги ўзгаришлар, ислохотларга шукроналик туйғуси билан яшаш — ҳар биримизнинг турмуш-тарзимида айлиниши зарур. Зеро, юқорида биз санаб ўтган

янгиликлар айнан инсон қадрини, унинг бахтли яшashi, ёруғ келажаги учун амалга оширилаётгани кундек равшан. Аслида, қаноатли, шукр қилувчи инсон ҳақиқий саодатга эришади. Шукр — неъматнинг бориға хурсанд бўлиш баробарида қалб хотиржамлигига кафолат ҳамдир. Қаранг, юрtdошимиз тинч, осмонимиз мусаффо, маҳаллалар обод, оилалар фаровон. Дунёда кечаётган зиддиятчи вазиятлар бу кунларнинг қадрига етишга ундайди. Бу заминда инсоннинг бахтли яшashi, саодатли умр кечирishi учун яратилаётган имкониятлар сановига етиш мушкул. Бунга шукрона айтиш, тинчликнинг қадрига етиш, ватан тақдирини дахлдорлик туйғуси билан яшаш — ҳар бир юрtdошимиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир!

Маҳаллаларда маънавият тарғибот қилиняпти

Худудларда "Май — маънавий-маърифий тadbirkor ойлари" доирасидаги учрашувлар, фестиваллар, спорт ва ватанпарварлик мусобақалари кўтаринки руҳда ўтказилаяпти, янги ижтимоий объектлар фойдаланишига топшириляпти.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Навоий шахридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истирохот боғида ёшлари ўртасида миллий гуруҳ ҳамда ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, миллий урф-одатларни кенг тарғиб қилиш мақсадида "Миллий кадрлар сайли" ташкил этилди. Фестивал доирасида миллий спорт ўйинлари: аркон тортиш, тош кўтариш, беш тош, шунингдек, "street workout", "Заковат" ўйини, расмлар, либослар ва кўл меҳнати кўргазмалари намойиш этилди. Миллий қадриятлар ва аънавий чиқишлар, китоблар ярмаркаси барчада катта таассурот қолдирди. **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** Наманган шахридаги Абу Али ибн Сино техникумида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда худуддаги 125 та корхона-ташкilot 1,5 мингта бўш иш ўрни билан ҳамда маҳаллаларда касаначилик асосида фаолият олиб бораётган тadbirkorлар иштирок этди. Ярмаркада Наманган шахридаги "маҳалла еттилиги" аъзолари ҳамроҳлигида келган 200 нафардан ортик ишсиз фуқаро қатнашди. Жараёнда 47 нафар фуқарога ишга жойлаштиш учун йўлланма берилди, уларнинг 27

нафарини хотин-қиз ташкил этди. 34 нафари касб-хунарга ўқитиш учун йўналтирилди. Шу билан бирга, 16 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги, мавжуд иш ўринларида белгиланган имтиёз ва кафолатлар, иш ўринлари тўғрисида тушунча, маслаҳатлар берилди. **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Ойлик доирасида нафақат маънавий-маърифий тadbirkorлар уюштириляпти, балки янги ижтимоий объектлар, маҳалла бинолари ҳам фойдаланишига топшириляпти. Хусусан, Пайарик туманида 4 та маҳалла янги биносига эга бўлди. Тантанали очилиш маросимларида сўзга чиққанлар маҳалланинг жамиятдаги ўрни, киши тарбиясидаги ролига тўхталишди. Айтиш керакки, ҳар тўрттала бино ҳашар йўли билан қурилди. "Баҳор" маҳалласининг эски ва яроқсиз биноси ўрнида замонавий иморатнинг қад ростлаши "маҳалла еттилиги"нинг иш самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Жараёнда худуддаги шароити оғир оилалар фарзандларининг хатна тўйи ўтказилиб, биро қурилишида ташаббус кўрсатганларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.



Шунингдек, "Алиобод", "Навбаҳор" ва "Қирқовул" маҳаллалари учун қурилган янги бинолар ҳам тантанали равишда очиб берилди. Ушбу маҳаллалар фаоллари кўп йиллар оғир шароитдаги биноларда фаолият юритиб келган. Бугун аҳоли бирлашиб, ҳашар йўли билан янги бино қурди. Унда "еттилик" вакиллари учун барча шароитлар мужассам. Энг муҳими, энди фуқаролар уларга ўзларини қийнаётган масалалар бўйича бемалол мурожаат қила олади.

ОЙЛИК



«ТЕРМИЗ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ»да тўловларни доллар, евро, рубль ва юанда амалга оширишга рухсат берилди.



Тошкентда МАЙ ОЙИДАН СЕНТЯБРГАЧА чорраҳалар ва кўчаларни таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошланади.



Июнь ойидан бошлаб «АНДИЖОН – ТЕРМИЗ – АНДИЖОН» йўналишида кўшимча йўловчи поезд ҳаракати йўлга қўйилади.

ХАБАРЛАР

ЖАРАЁН



“Сайхунобод тажрибаси” аҳолига даромад келтиряпти

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Айтиш керакки, мазкур тажриба асосида бугун Қашқадарё вилояти маҳаллаларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги “Боғишамол” маҳалласида яшовчи 1000 дан зиёд хонадон, 5 минг нафардан ортиқ аҳолининг деярли барчаси томорқадан самарали фойдаланади. Ҳозиргача одамлар биринчи экинни аллақачон йиғиштириб олиб, иккинчи экинни тайёрлапти. Даромад кўриш арафасида турганлар бор. Редиска, эртачи картошкани сотиб бўлишди ҳам. Кейингилари бодринг, помидор, кўкат, саримсоқпиез, ҳар хил полиз экинлари экишади.

— Маҳалла аҳли, асосан, бодринг экиш билан шуғулланади, — дейди “Боғишамол” маҳалласи раиси Фузломқодир Бекмурзаев. — Шаҳрисабз ва Китоб туманлари бозорларида асосий бодрингни қишлоғимиз халқи етказиб беради. Утган йили туман ҳокимлиги ташаббуси билан субсидия эвазига учта артезиан кудуғи қазиб бердик. Сув муаммосидан қутулдик. Шунинг ҳисобига деҳқонларимиз йилга уч марта ҳосил олишмоқда.

Бугун маҳалладаги қайси хонадонга қирманг, яшнаб турган экинларга кўзингиз тушади. Мисол учун, шу ерда яшовчи омилкор деҳқон Бахтиёр Ҳакимовнинг суюғи меҳнатда қотган. Вақт топди, дегунча 10 сотих атрофидаги томорқасида меҳнат қилади. Ховлидаги мўъжазгина уч сотихли иссиқхонада бодринг баравж ўсиб турибди. Ташқарида картошка, помидор, саримсоқпиез экилган. Оила йилига 6-7 мингта помидор ва бодринг кўчатларини тайёрлайди. Томорқадан келадиган даромад — йилига 50-60 миллион сўм атрофида.

Худди шу тумандаги “Хонтена” маҳалласида 2 367 нафар аҳоли яшайди. Гап шундаки, ушбу маҳалла аҳолиси ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ва омилкорлиги билан тумандаги бошқа маҳаллалардан ажралиб туради. Маҳаллада айни пайтда 102 та тадбиркорлик субъекти самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, маҳалла томорқачиликда ўзига хос тажрибага эга. Бир қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шу маҳаллалик Музаффар Давронов ховлисидаги 2 сотих майдондаги иссиқхонада кулундай ва лимон парваришляпти. Бундан ташқари, омилкор деҳқон 10 сотих дала ховлисида иссиқхона ташкил қилган. Унга “Блак” навли баклажон эккан. Шу



Шаҳрисабз ва Китоб туманлари бозорларида асосий бодрингни қишлоғимиз халқи етказиб беради. Утган йили туман ҳокимлиги ташаббуси билан субсидия эвазига учта артезиан кудуғи қазиб бердик. Сув муаммосидан қутулдик.

кунгача уч тоннадан зиёд ҳосил олинган бўлса, мавсумда бу кўрсаткични 10 тоннага етказиш ният қилинган. Маҳаллада бу каби юзлаб иссиқхоналарни кўриш мумкин. Ҳаттоки, харидорларнинг ўзи маҳалла бошига келиб туради. Чунки қаерда маҳсулот кўп бўлса, харидори ҳам кўп бўлади.

Дарҳақиқат, бугун ҳаракат қилган одам кам бўлмайди. Айниқса, томорқадан унумли фойдаланиш ортидан ҳам ишли, ҳам даромадли бўлаётганларнинг сафи тобора ортаётгани кувонарли ҳол. Фузор туманидаги “Янгиобод” маҳалласида яшовчи Тўраевлар хонадонининг кўзни кувна-тадиган манзараси бошқалардан ажралиб туради. Хонадон бекасининг асосий вақти иссиқхонада ўтади. Турмуш ўртоғи кўмағида гул кўчатларини экади, уларни

парваришляпти.

— Айни пайтда 100 турдан ортиқ гулларимиз бор, — дейди Бегали Тўраев.

— Уларнинг ҳар бири алоҳида шароит, алоҳида парвариш талаб этади. Масалан, бири иссиқни хохламайди, бошқаси кўшени. Ёки бири суви кўп талаб қилади, бошқаси эса кам. Хуллас, ҳар бирини парваришларнинг ўз технологияси бор. Лекин барча гулларнинг бир жиҳати ўхшаш — ҳаммаси меҳр ва эътиборни сезишади. Парваришда белгиланган технологияга қанчалик риоя қилманг, меҳр ва эътиборсиз гулни парваришлай олмайсиз. Меҳнатга яраша даромад ҳам бор, албатта. Айнан шу иш ортидан йилига 40-50 миллион сўм кўшимча даромад топамиз.

Маҳалла масъулларининг айтишича, “Сайхунобод тажрибаси” асосида худуда бириктирилган тижорат банклари ҳоким ёрдамчиси кўмағида хонадонларда даромад манбаини яратиш, томорқа маданиятини шакллантиришга кўмакчи бўлаётир. Кам таъминланган оилаларга иссиқхоналар қуриб берилаётган бўлса, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар ажратилапти. Энг муҳими, етиштирилган маҳсулотни сотиш, керак бўлса, экспорт қилиш жараёнлари тизимли йўлга қўйилган.

Айтиш мумкинки, бугун фуқароларнинг томорқага бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Бир пайтлар шунчаки чорва учун озунча экилган томорқаларда эндиликда рўзғорбоп маҳсулотлар, даромадли йўналишлар ривожланыпти. Аслида ҳам, ҳайҳотдек ховлисини бўш қўйиб, бир боғ кўк пиезни бозордан ташибётган хонадонлар қаердаю бир қарич ерни бўш қўймай, томорқадан миллион-миллион даромад олаётганлар қаерда? Бундай омилкорлар яшаётган маҳаллаларни айланиб, дангил-лама уй-жойлар, дарвозахонада турган замонавий машиналар, турмуши фаровон одамларга кўзингиз тушади. Албатта, бу — ҳалол меҳнатнинг мевасидир. “Меҳнатнинг таги роҳат”, дегани шу бўлса керак.

Ҳоким ёрдамчилари малака оширмоқда



Ҳабарингиз бор, шу кунларда худудларда ҳоким ёрдамчилари малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш маркази (КОИСА) ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг худудий филиаллари билан ҳамкорликда ҳоким ёрдамчилари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Унда Каттақўрғон шаҳри ҳамда Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон, Иштихон, Қўшработ ва Пастдарғом туманларининг маҳаллаларида яқинда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари иштирок этиб, ўзларини кўзиқтирган саволларга жавоб олишди.

Семинарда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, худудларнинг мавжуд ички имкониятларини ишга солувчи омилар ва йўналишларни аниқлаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, етакчи тадбиркорлар ва намунали ҳоким ёрдамчилари билан ўзаро тажриба алмашиш борасида келишиб олинди.

Нукус шаҳрида ҳам “Ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини ошириш ва амалий кўникмаларини шакллантириш” мавзусига бағишланган малака ошириш семинарлари ташкил этилди.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур семинарларда янги ишга қабул қилинган ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, худудларнинг мавжуд ички имкониятларини ишга солувчи омилар ва йўналишларни аниқлаш масалалари бўйича зарур кўникмаларга эга бўлишди.

Шовот туманида Уйчи ва Сайхунобод тажрибаси асосида интенсив балиқчиликни йўлга қўйиш мақсадида ҳоким ёрдамчилари учун кўргазмали семинар ташкил этилди.



Шовот туманида Уйчи ва Сайхунобод тажрибаси асосида интенсив балиқчиликни йўлга қўйиш мақсадида ҳоким ёрдамчилари учун кўргазмали семинар ташкил этилди. Семинарда “Кундуз” маҳалласида яшовчи Ҳасанбой Отажонов тажрибаси кўздан кечирилди. Хонадон эгаси 15 млн. сўм кредит эвазига уй

шароитида ҳовуз ташкил этган, унга 20 кг. балиқ чавоқлари ташланган. Ундан йилига 25 млн. сўм даромад топиш режа қилинган.

Шунингдек, семинарда томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда фуқароларнинг кўшимча даромад топиши бўйича зарур тавсиялар берилди.

“Йил якунигача ишсиз одам қолмайди”

АКМАЛ АБДУЛЛАЕВ, ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ “КОВЧИН” МАҲАЛЛАСИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ.

Маҳалламизда 5 170 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил бошидаги халтов натижасига кўра, 172 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган. Шундан 67 нафарни доимий ва мавсумий иш билан банд қилдик. Йил якунига қадар маҳаллада бирорта ҳам ишсиз фуқаро қолмайди, ҳаммасини даромадли қилишга киришганмиз.

Иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино



ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун имтиёзли кредит ва субсидиялар олишига кўмаклашиш натижасида ишсиз-

лар сони кескин камаймоқда. Масалан, жорий йилда 17 нафар аҳоли доимий ишга жойланди, 72 нафари ўзини ўзи банд қилди. 14 нафар ишсиз хотин-қиз



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИНИНГ БИР КУНИ...

касб-хунарга ўқитилди. Шунингдек, 14 нафар фуқарога 546 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди. 18 нафарига томорқадан унумли фойдаланиши учун иссиқхона қуриб берилди.

Гулчехра Исмолова имтиёзли кредит ҳисобига томорқасида иссиқхона ташкил этди. Декабр ойида иссиқхонага помидор экилган. Бугун маҳсулот пишиб етилди. Яна бир маҳалладошимиз Саодат Эгамова имтиёзли кредит эвазига савдо йўналишида фаолият бошлади.

Ҳабарингиз бор, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида, Сайхунобод тажрибаси асосида уларга томорқада маҳсулот

етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак берилиб, бошқа турдаги бандлик хизматлари кўрсатилмоқда.

Бу ташаббус бизнинг маҳаллада ижобий самара берапти. Масалан, Рухиддин Тўраев узок йиллардан бери хоризжда меҳнат қиларди. Табиийки, бунинг ўзига хос машаққати бўларди. Биринчидан оиласи, фарзандларидан йироқда бўлиш қийнаса, иккинчидан мусофирликнинг нони осон топилмасди. Унга “маҳалла еттичилиги” тавсияси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада ишлаб чиқариш йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилди. Ҳозир йилига 70-80 миллион сўм даромад қилмоқда.



2024 йилнинг январь-март ойларида қарийб 1,3 млн. нафар ўзбекистонлик туристик мақсадларда ХОРИЖГА САФАР ҚИЛГАН.



Жорий йилнинг тўрт ойида 50 мингга яқин фуқаро бепул касб-хунарга тайёрлаш ва малака ошириш учун жалб қилинди.



Кувейт компанияси Тошкентда РЕАГЕНТ ишлаб чиқарувчи завод қуришни режалаштирмоқда.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ

СОЛИҚЧИ – КЎМАҚЧИ



Бюджет тушумлари барқарорланди

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

“Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида баҳолаш натижаларига кўра, Бухоро вилоятининг самарадорлик кўрсаткичлари 92,5 баллни ташкил этди. Умумий рейтингда Бухоро вилояти солиқ инспекторлари ҳиссаси юқори бўлган ҳудудлар қаторидан жой олди. Кувонарлиси, вилоятдаги маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторларининг 154 нафари 90 баллдан юқори, 103 нафари 70 дан 90 баллгача кўрсаткичларни қайд этди.

Вилоятда 2024 йилнинг I-чорагига қадар ер ва мол-мулк солиқларидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қўшимча 27,4 млрд. сўм, шунингдек, 48,7 млрд. сўми жорий йилнинг апрель ойида бюджетга туширилди.

Яширин иш ўринлари легаллаштирилгани ҳисобига вилоятда даромад солиғи тўловчилар сони 27 069 нафарга кўпайди. Бунинг ҳисобига бюджетга жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинган даромад солиғи бўйича қўшимча 1,4 млрд. сўм тушириш имконияти яратилди. Ўз уyiда норасмий даромад топаётган фуқаролар билан олиб борилган профилактик суҳбатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 46 147 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилганлик бўйича фаолиятларини расмийлаштирди. Аynи пайтда вилоятда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 197 791 нафарни ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳудудларга бириктирилган ходимлар 2 202 та вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тиклади. Шунингдек, ҳужжатсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб келаётган 3 590 нафар фуқаронинг давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний тадбиркорлик фаолият кўрсатиши таъминланди.

Этиборлиси, вилоятда маҳалла солиқ инспекторлари амалга ошираётган бу каби чора-тадбирлар натижасида ҳудудларда тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳити шакллантирилиб, бюджет тушумлари барқарорлигига эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилоятидаги 544 та маҳаллага бириктирилган 262 нафар солиқ инспектори солиққа оид масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этмоқда.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Чет элдан пул олганлик учун солиқ тўланадими?

– 2023 йилда чет элдан пул ўтказмаси олган эдим. Солиқ органлари бунинг учун солиқ ҳисоблашга ҳақлими?

Динара ХОЛДОРОВА,
Самарқанд вилояти.


Абдуқаҳор МАҲМУДОВ,

Солиқ кўмитаси бўлим бошлиғи:

– Агар жисмоний шахс жисмоний шахсдан пул маблағи олган бўлса, унда бу даромад солиққа тортилмайди ва жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этилмайди. Агар жисмоний шахс хорижий юридик шахсдан даромад олган бўлса, у ҳолда ушбу даромад 1 апрелгача тақдим этилиши керак бўлган декларация асосида солиққа тортилади.

Тижорат банклари солиқ органларига хорижий юридик шахсдан жисмоний шахснинг ҳисобварағига чет элдан келиб тушган маблағлар тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни тақдим этади. Агар солиқ тўловчиси 1 апрелгача ушбу даромад бўйича декларация тақдим этмаса, солиқ органи ўзида мавжуд маълумотларга асосланиб солиқ ҳисоблайди ва бу ҳақда солиқ тўловчиси хабардор қилади. Ҳисобланган солиқ тўғрисида батафсил маълумот ақс этирилган хабарномалар солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Бунда солиқ суммаси 1 июнгача тўланиши лозим.

Агар солиқ тўловчининг ҳисобланган солиқ суммасига эътироз бўлса, у таасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлса, у ҳолда ушбу ҳужжатларни илова қилган ҳолда my3.soliq.uz сайти орқали қайта декларация тақдим этиши лозим.



Яширин иқтисодиёт улуши кескин камайди



“Маҳалла еттилиги” билан ишлашимиз натижасида, январь-май ойларида 90,7 млн. сўм миқдориди қўшимча манба аниқланди.

Маҳалладаги дастлабки ишимни хуфйёна иқтисодиёт улушини маҳалла кесимида қисқартиришдан бошлаганман. Бу борада маҳаллага киравершиддаги 18 та кўчма дўкон эгалари билан бирма-бир суҳбатлашиб, уларга Вазирлар Маҳкамасининг 148-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишларида намуна бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Феруз ҚҮРЯЗОВ,
Урганч шаҳридаги “Исломобод” ва “Нурли ҳаёт” маҳаллалари солиқ инспектори.

Мазкур қарорга асосан, тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар жамланган махсус QR-кодни жойлаштириш нормалари белгиланган. Унга мувофиқ, миқроз учун қулай жойларда, асосан, ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилган, шунингдек, кириш ва харидорга очиқ бўлган бошқа жойларда юридик шахслар – корхона номи, СТИР, жойлашган жойи (почта манзили ва иш режими), яқка тартибдаги тадбиркорлар эса давлат рўйхатидан ўтказилганлик ва рўйхатдан ўтказган органнинг номи, ЖШШПР ҳамда ушбу маълумотларни сканерлаш имконини берувчи махсус QR-код(юридик шахс ҳам)ни жойлаштириши керак.

Бу солиқ тўловчилар фаолияти шаффофлигини таъминлаш билан бирга, солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақида хабар беришда истемолчиларга қулайликлар яратди. Қолаверса, истемолчилар ушбу QR-кодни сканерлаш орқали савдо нуқтаси ҳақида тўлиқ маълумотларни билиб олиши, шунингдек, солиқ ҳуқуқбузарлиги содир этилганда QR-коддаги маълумотлар асосида “Солиқ ҳамкор” орқали хабар бериши мумкин.

Қисқа вақт давомида “Исломобод” ва “Нурли ҳаёт” маҳаллаларида тадбиркорларнинг айланма маблағлари ортиб, янги иш ўринлари яратилди. Ноқонуний фаолият юритиб келаётган 37 та тадбиркорлик субъектининг янгидан рўйхатдан ўтказилишига ва молиявий қийинчиликка дуч келган 11 та тадбиркорга кўмак берилди. Натижада 11 нафар ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланиб, 50 млн. сўмга яқин қўшимча даромад солиғи ҳисобланди.

“Маҳалла еттилиги” билан ишлашимиз натижасида, январь-май ойларида 90,7 млн. сўм миқдориди қўшимча манба аниқланди. Энг асосийси, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш

жамғармасининг манбалари сифатида мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи ҳамда бўш турган кўчмас мулкни сотиш ва бинолар ижараси ҳисобидан 304,7 млн. сўм миқдориди тушум аниқланди. Натижада 30,5 млн. сўм миқдориди маблағлар маҳалла бюджети сифатида шаклланди.

Тадбиркорлик субъектларини яширин иқтисодиётдан ҳалол рақобат майдонига олиб чиқиш учун солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни эринмасдан тарғиб қилиб келаямиз. Хусусан, айланмадан олинган солиқ туридаги ўзгаришлар, онлайн назорат ва виртуал кассалардан фойдаланиш ҳамда миқрозларга QR-код ва фискал белгили чек тақдим этиши мажбурийлиги, бундай чеклар харид тўлов терминал орқали ёки нақд пулда амалга оширилишидан қатъи назар, харидорга берилиши бўйича батафсил маълумотлар берилмоқда.

Шунингдек, харидор ўртасида товар ва хизматлар учун тўловларни турли иловалар орқали бир жисмоний шахснинг картасидан бошқа жисмоний шахснинг картасига (P2P ўтказмалари) ўтказиш ноқонуний ҳисобланиши тушунтирилмоқда.

СОЛИҚЧИНИНГ БИР КУНИ

Тадбиркорлар солиқ инспекторини оғриниб кутиб олмайди

Кўрсаткичларни ўз вақтида бажариш учун ҳар кунлик назорат муҳим.

Махсума ОКҚЎЗИЕВА,

Андижон вилояти солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар шўъбаси бошлиғи.

Улуғнор ҳудудий жиҳатдан Андижон вилоятининг энг катта туманларидан. Бу ҳудудда ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, айникиса, балиқчилик яхши ривожланган. Шу боис туман аҳолиси барча соҳаларда илғор ва пешқадам.

Биргина солиқ тизимини олиб қарайдиган бўлсак, самарадорлик кўрсаткичи (КР) юқори бўлган солиқ инспекторларининг асосий қисмини айнан улуғнорликлар банд этишган. Бу бежизга эмас. Туманда тадбиркорлик яхши ривожланган. Уларнинг аксариятини озик-овқат дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, кийим-кечак ва қурилиш моллари савдо дўконлари ташкил этади. Ҳатто деҳқончилик маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчилар ҳам фаолиятини қонунийлаштириб, намунали солиқ тўловчига айланган.

Улуғнор туманида 24 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларга 10 нафар солиқ ходими бириктирилган. Туманда 434 та юридик шахс рўйхатдан ўтган. 543 та фермер хўжалиги ташкил этилган. 148 та нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритади. 603 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти мавжуд. Деҳқон хўжаликлари 2 547 тани, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 6 397 нафарни ташкил этади. Ҳудудда 11 867 та мол-мулк, 11 683 та ер ва 642 та декларация тўловчи бор.

Хусниддин Сулаймонов Андижон вилояти бўйича самарадорлик кўрсаткичи энг юқори бўлган (апрель ойида 97 фоиз) солиқ инспектори. Унга “Мингбулоқ”, “Фаровон”, “Теракзор” маҳаллалари бириктирилган.



Солиқ тушуми 300 миллион сўмдан ошса, унинг 10 фоизи, яъни 30 миллион сўмдан зиёд маблағ маҳалла фуқаролар йиғини балансида қолмоқда.

Эрта тонгдан солиқ инспекторига ҳамроҳлик қилиб, бир кунлик иш фаолиятини қандай олиб боришига гувоҳ бўлдим. Маҳалла марказида жойлашган солиқ инспекторига бириктирилган хизмат хонаси йиғин биносининг ён томонида экан. Аксарият тадбиркорлик субъектлари мана шу марказдан бошланди.

Биз кириб борган қурилиш моллари савдо дўкони аҳолига керакли хомашёлар етказиш билан шуғулланиш баробарида қонун талабларида белгиланган солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб келаётгани маълум бўлди. Солиқ инспектори сотувчиларга онлайн назорат касса аппарати ва тўлов терминалларидан фойдаланган ҳолда харидни амалга ошириш кераклигини тушунтириб, кейинги дўконга йўл олди.

– Фаолиятим самарадорлигининг асосий омилу ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг барчаси қонуний тарзда фаолият олиб боришидир, – дейди “Мингбулоқ”, “Фаровон”, “Теракзор” маҳаллалари солиқ инспектори Хусниддин Сулаймонов. – Кўрсаткичларни ўз вақтида бажариш учун ҳар кунлик назорат муҳим. Бундан ташқари, фақат тушумлар билан чекланиб қолмасдан, ўз фаолиятини эндигина бошлаган тадбиркорларга “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида иш фаолиятини қонунийлаштириши, штат бирликларини легал-

лаштириш ва меҳнат қонунчилигига мос равишда олиб бориш бўйича тавсия ва маслаҳатларимизни бериб ўтаемиз. Бу тадбиркор учун ҳам, ўзимизнинг келгуси фаолиятимиз учун ҳам муҳим жараён.

Кувонарлиси, тадбиркорларнинг аксарияти солиқ инспекторининг дўконига кириб келишини оғриниб эмас, балки очик чехра билан кутиб олишмоқда. Албатта, ўз кўзингиз билан гувоҳ бўлмагунингизча бунга ишонини қийин. Бирок “Теракзор” маҳалласи раиси Фахриддин Соатов ҳам солиқ инспектори фаолиятини ижобий баҳолади.

– “Маҳалла еттилиги” тизими жорий этилиб, солиқ инспекторларининг иш бошлаши биз учун самарали бўлди, – дейди маҳалла раиси. – Биргина мисол, йил давомида маҳалла ҳудудининг солиқ тушуми 300 миллион сўмдан ошса, унинг 10 фоизи, яъни 30 миллион сўмдан зиёд маблағ маҳалла фуқаролар йиғини балансида қолмоқда. Биз ушбу маблағларни “еттилик” билан бамаслаҳат ижтимоий кўмакка муҳтож ошларга кўмаклашиш, ички йўллар ва ариқларни таъмирлаш каби тармоқларга йўналтиришимиз мумкин.

Суҳбатимиз якунида Хусниддин Сулаймоновнинг тезда хайрлашиб, кунлик режаларни бажаришга ошқабатганидан унинг фаолияти юқори кўрсаткичларда баҳолангани беҳуда эмаслигига амин бўлдик.



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига миграцияга кетаётганлар учун ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ дастури йўлга қўйилди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотиغا кўра, Ўзбекистонда ҲАЖ МАВСУМИ 2024 йил 23 майдан бошланади.



Энг қадимги ўтмишимиздан тортиб, яқин тарихимизгача бўлган даврни қамраб олувчи “ТИРИК ТАРИХ” туркумидаги фильмлар яратилади.

ТАҲЛИЛ

Жиноят 27 фоизга камайган, бироқ...

ТАДБИР ДАВОМИДА ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИДАГИ “ХУШНУД” МАҲАЛЛАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ.

Шоҳрух ҒИЁСОВ,
ИИБ Ахборот хизмати раҳбари

Юртимизда криминоген вазиятни яхшилаш ҳамда маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш бўйича давлат раҳбарининг топшириқлари ҳудудларда тизимли ижрога қаратилмоқда. Ушбу вазифаларнинг бажарилишини назоратга олиш мақсадида **Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Пўлат Бобоҷонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Сирғали ва Янгиҳаёт туманларида ички ишлар органларининг жамоатчилиги билан ҳамкорликда маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида тунги вақтларда ташкил этаётган тадбирларни ўрганди.**

Сирғали тумани 2-сонли ИИБда тунги навбатчилик вақтига жалб этилган шахсий таркибнинг хизмати билан танишилди. Ички ишлар бўлимига қарашли маъмурий ҳудудда жойлашган маҳаллаларда жиноятларнинг барвақт профилактикасига қаратилган ишлар тизимли амалга оширилаётгани натижасида ҳудудда криминоген вазият деярли 30 фоизга яхшилан-

гани эътироф этилди. Шу билан бирга, “қизил” тоифада қолаётган **“Меҳриғиё” маҳалласида** муаммоларни янги “ижтимоий профилактика” тизими ёрдамида ҳал этиш зарурлиги бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Жараёнда **Сирғали тумани “Қурувчилар” маҳалласида ташкил этилган “еттилик” фаолияти ўрганилди. Маҳаллада содир этилаётган жиноятлар сони 27 фоизга камайишига эришилган бўлса-да, уларнинг айрим турлари ошиб кетишига йўл қўйилгани қаттиқ танқид қилинди.**

Туманда криминоген вазиятни жиловлаш мақсадида тунги вақтда маҳаллаларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳисобда турган шахслар, нотинч оилалар ҳамда уюшмаган ёшлар билан “хонадонбай” ва “фуқаробай” иш ташкил этиш ҳамда жиноятларнинг сабаб ва омилларини тизимли ва илмий таҳлиллар орқали аниқлаб, келгусида уларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тадбир давомида **Янгиҳаёт туманидаги “Хушнуд” маҳалласида** ички ишлар органлари ва маҳалла фаолларининг ҳамкорликдаги фаолияти ўрганилди. Маҳаллада жиноятлар сони ке-

скин камайиб, маҳалла “яшил” тоифага ўтганлиги, ҳудудда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур ижобий тажрибаларни бошқа туман ИИБларида татбиқ этиш, бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида криминоген оғир маҳаллаларга тунги навбатчиликка жалб этилган зарур куч ва воситалар, маҳалланиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Текширув давомида ишчи гуруҳ аъзолари Сирғали ва Янгиҳаёт туманларида ташкил этилган “Ҳамкор” махсус гуруҳларининг тунги рейд тадбирлари билан танишди. Асосий эътибор, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда намунавий хизмат ўташ моделларини амалга киритиши, маҳаллаларда, кўчаларда ва жамоат жойларида видеокузатув камераси оширилиши, шаҳар йўлларида хавфсиз ҳаракатлиниш, пидедалар, айниқса, болалар, ёшлар ва аёллар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга қаратилди.



Тадбир жараёнида шахсий таркибга хизматни тизимли, масъулият ва ҳушёрлик билан ташкил этиши, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ҳамда ижроси назоратга олинди. Ишчи гуруҳ аъзоларининг тунги хавфсизлик чораларини ўрганиш ишлари бошқа туманларда ҳам давом этмоқда.



Фирибгарлик бўйича ҳар бир кўчада фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиб, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бердик.

“Яшил” тоифага ўтиш учун икки йил вақт керак бўлди

Насим БОҒИЕВ,
Пешку туманидаги “Туркистон” маҳалласи профилактика инспектори

“Туркистон” маҳалласи Буюк ипак йўли халқаро автомобиль йўли бўйида жойлашган. Беш мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада 4 та – Обод турмуш, Хайроб, Қоровул, Тегирмончи қишлоғи бор.

Маҳалла чўл ҳудудлардан иборат бўлиб, чегараси 200 километргача чўзилиб кетган. Аҳолининг асосий даромади деҳқончилик ва чорвачилик. Қулайлиги, йиғин ҳудуди газ тақсимловчи Газли шаҳрига яқин бўлгани учун хонадонлар табиий оқова газ билан таъминланган.

Бу ерда икки йил олдин иш бошлаганида маҳалла жиноятчилик бўйича “қизил” тоифада эди. Уғрилиқ, фирибгарлик ва али-

мент тўлови бўйича жиноятлар кўп бўлган. Дастлаб ўғрилиқнинг олдини олиш бўйича ҳар бир қишлоқда кўнгилчилардан иборат тунги навбатчилик гуруҳларини шакллантирдик. Улар тунги вақтда қишлоқларни айланиб, назорат олиб боришди.

Фирибгарлик бўйича ҳар бир кўчада фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиб, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бердик. Фирибгарларнинг турли хил найранглари ҳақида маълумот бериб, тарғибот материаллари тарқатдик.

Алимент тўлашдан бош тортиб юрган фуқаролар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқотда бўлиб, бунинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтирдик. Айрим оилаларни яраштирдик.

Маҳалланинг асосий кириш-чиқиш йўли ҳисобланган Обод турмуш кўчасига “Жамоатчилик назорат маскани”ни ўрнатдик. Бу ерда 4 та кузатув камералари билан бирга, тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилди.



Маҳалланинг асосий кириш-чиқиш йўли ҳисобланган Обод турмуш кўчасига “Жамоатчилик назорат маскани”ни ўрнатдик.

Улар кечки вақтларда маҳаллага келаётган ва кетаётган фуқароларнинг исм-фамилияси ва яшаш манзилини ҳамда автотранспортларнинг давлат рақамларини махсус рўйхат дафтарида киритиб боради.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида 2023 йил “сарик” тоифага, жорий йил бошидан “яшил” тоифага ўтдик. Албатта, бунда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги ҳамда яратилаётган шарт-шароитларнинг ўз ўрни бор. Айниқса, шу маҳаллада профилактика инспектори учун қурилган хизмат уйи иш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда чет элга узоқ муддатга ишлаш учун кетган 300 дан ортиқ фуқаронинг ҳар бири билан алоҳида ишлаяпмиз. Улар билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, ижтимоий ҳолати, иш жойи, яшаш шароитларини ўрганапмиз. Зарур ҳуқуқий ёрдам керак бўлса, қаерга мурожаат қилишларини тушунтиряпмиз. Айни пайтда миграциядан

қайтган 30 нафарга яқин маҳалладошларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилмақда. Ҳозирга қадар 5 нафари иш билан таъминланиб, 4 нафари “Ватанпарвар” ташкилотига ўқийига жойлаштирилди.

Ҳудуддаги 3 та умумтаълим мактабида ўқувчилар даволатини яхшилаш учун ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шу кунга қадар фарзанди тизимли дарс қолдираётган 20 дан ортиқ ота-онага Огоҳлантириш хати юборилиб, 15 нафар ота-она жаримага тортилди.

Келгусида маҳалла ҳудудини жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида аҳоли гавжум ва ҳаракатлиниш нуқталарига кузатув камералар ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилишни режалаштиряпмиз.

Домий даромадга эга бўлган, бирор иш билан машғул бўлган инсон жиноятчиликка йўл қўймайди. Шу боис ишсизларни ишли қилишга, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берапмиз.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



**ОГОҲ БЎЛИНГ!
ФАРЗАНДИНГИЗГА
ЭЪТИБОРЛИ
БЎЛИНГ!**

Youtube, Tik-tok каби платформаларда болаларни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган видеолар пайдо бўлмоқда. Ушбу видеода болага парига айланмиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатилди. Хусусан, болалар парига айланмиш учун ота-онаси ухлаб ётган пайтда газ плитасининг барча муруватини бураб қўйиши, куйиб қолмаслик учун гугурт ёқмаслиги ва тонгача шундай қолдириш тавсия этилади.

Ҳурматли ота-оналар, фарзандингиз томоша қиладиган видеоматериаллар мазмун-моҳиятига эътиборли бўлинг! Уяли алоқа воситаларидан тўғри фойдаланишлари бўйича йўл-йўриқ ўргатинг! Бундай видеолар зарари ҳақида огоҳлантинг!

“E-PATROL” АХБОРОТ ТИЗИМИ:

Эндиликда фуқаролар ИИБга олиб борилмайди

2023 йил *патруль-пост* ходимлари кўча ва жамоат жойларида шубҳа уйғотганлиги ҳамда мақсадсиз юрганлиги учун 2 765 264 нафар фуқаронинг ички ишлар органларига олиб келган. Эндиликда фуқароларни ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечишмоқда.

Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот хизмати

Ҳўш, қандай қилиб дейсизми?

Бундан буён фуқароларнинг шахсига аниқлик киритиш, қидирувдаги ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан боғлиқ барча маълумотлар патруль-пост ходимларига бириктирилган замонавий планшетлар орқали амалга оширилади. “E-patrol” ахборот тизими орқали ишлайдиган дастурда барча ҳаракатлар онлайн режимда амалга оширилади. Электрон тизимда Face ID орқали фуқароларнинг

ЯНГИЛИК

юз қисмини расмга олиш имкони бўлиб, у 13 та йўналиш бўйича фуқаронинг шахсига оидлик киритиб беради.

Мазкур планшетларда махсус сканер ўрнатилган бўлиб, унга фуқароларнинг бармоқ изини қўйиш ёки юз қисмини суратга олиш орқали шахсига аниқлик киритиб, идентификация қилинади. Шахсига аниқлик киритилганда қидирувда бўлганлиги ёки профилактика ҳисобида турувчи, маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмагани аниқланади. Агар мазкур планшет ёрдамида қидирувда бўлган шахслар аниқланса, жойида ушланиб, ички ишлар органларига олиб борилади.

Бу тизим орқали фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ортиқча овозгарчиликларга йўл қўймайди, инсон омилини камайтиради, шунингдек, барча маълумотларни жойида текшириш, вақт ва сарф-ҳаражатлар қилинишининг олдини олиш баробарида коррупцион ҳолатларга ҳам барҳам берилади. Шунингдек, мазкур планшетлар орқали Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бел-

гиланган 8 та моддаси бўйича маъмурий баённома расмийлаштириш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, замонавий планшетларда GPS мосламаси ўрнатилган бўлиб, бу патруль-пост ходимларининг қаерда, қайси манзилда юргани ҳақида маълумот бериб боради. Шунингдек, ушбу қурилмага коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида махсус камера ўрнатилган бўлиб, реал вақт режимда ходимнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб боради.

Олинган маълумотларга кўра, сўнгги 10 кун давомида Тошкент шаҳри бўйича патруль-пост ходимларига бириктирилган замонавий планшетлар ёрдамида 14 нафар қидирувдаги шахс қўлга олинган.

Энг муҳими, “E-patrol” ахборот тизимидан фойдаланиш орқали фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигига йўл қўйилмайди. Ходимларнинг хизмат жойи назоратсиз қолмайди. Қоғозбозликдан воз кечилиб, ҳисоботлар 90 фоизга электрон шаклда юритилади. Ортиқча сарф-ҳаражатлар 70-80 фоизга қисқаради.



Патруль-пост ходимлари амалга оширган ишлар кунлик “ҳодимбай” тарзда назорат қилиб борилади. Ходимлар орасида коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олди олинида ҳамда марказлаштирилган бошқарув тизими ўрнатилади.



Илм олиш учун ИМКОНИАТ ТОПИЛАДИ

Ҳар бир ота-она фарзандининг таълим-тарбия олишини, жамият ҳаётининг фаол иштирокчиси бўлишини истайди.

Жасур ТОҒАЕВ,
Олмалик шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази шўба мудири.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 19-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотига ғамхўрлик гуруҳлари ташкил этилиб, унга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 6-8 нафар бола қабул қилиниши кўзда тутилган. Ғамхўрлик гуруҳлари фаолияти жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун қисқа муддатли, яъни 4 соатгача таълим-тарбия бериш ҳамда парваришlash мақсадида ташкил қилинди.

Бугунги кунда ушбу ғамхўрлик гуруҳларига алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни шаҳар тибби-

ёт бирлашмаси билан биргаликда аниқлаш ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига асосан гуруҳларга йўналтириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Олмалик шаҳар 80-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернатида 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари мавжуд бўлган болалар учун ғамхўрлик гуруҳлари ташкил этилган. Уларда ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бормайдиган, яъни қатнашга имконияти чекланган болаларнинг тўлақонли камол топишини таъминлаш, уларни тенгдошлари ва катталар даврасига мослаштириш учун мўлжалланган яққа тартибдаги таълим реабилитация дастурига мувофиқ таълим-тарбия берилади.

— Ғамхўрлик гуруҳларида ҳар

бир болага сидқидилдан эътибор берилади, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғурилади, — дейди 80-сонли мактаб-интернати диффектолог Ситора ЭРҒАШЕВА. — Қолаверса, ҳар бир боланинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда таълим-тарбия бериш, шахс сифатида шакллантириш учун бор куч ва имкониятдан фойдаланялмиз. Қабул қилинган болаларнинг ёши, имконияти унга қўйилган ташхисдан келиб чиққан ҳолда алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди ва шу асосида иш фаолиятини юртимокдаим.

Мақсадимиз юртимизда улғаяётган ҳар бир фарзанд имкониятидан келиб чиқиб билим олсин, атрофидошлари билан мулоқот қилсин, ўзининг ички имкониятларини тўла намоийш этсин. Уларнинг кулги, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шарт-шароитлар бисёр.



6 ёшдан 16 ёшгача бўлган алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари мавжуд бўлган болалар учун ғамхўрлик гуруҳлари ташкил этиляпти.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

ЭЪТИБОР

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Боланинг қаровсиз қолиши натижасида унинг таълим олиши, тарбияси издан чиқиб кетгани аниқланди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

Юртимизда ҳар бир бола эътибор ва ғамхўрлик остида. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъул ходимлари ота-она қаровисиз қолган вояга етмаган Б.И.га зарурий ижтимоий ёрдам кўрсатиши.

Дастлабки ўрганилган маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Б.И. ота-онаси 2012 йилда оилавий келишмовчиликлар сабабли ажрашгандан сўнг отасининг қарамоғида бўлган. Бироз муддат ўтгандан сўнг унинг онаси бошқа турмуш қуриб, Туркия давлатига жўнаб кетган. Боланинг отаси бошқа аёлга уйлган. Угай онанинг доимий қийноқ ва зулми болани ўз уйдан чиқиб кетишга мажбур қилган.

Боланинг қаровсиз қолиши натижасида унинг таълим олиши, тарбияси издан чиқиб кетгани аниқланди. Бу ҳолат юзасидан “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази хабар топиб, уни “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази”га жойлаштирди. Ҳозирда унинг руҳий ҳолатини яхшилаш борасида тегишли масъуллар белгиланган тартибда иш олиб бормоқда.

Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида жамиятда болаларга нисбатан таъбиқ ва зўравонлик ҳолатларининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш юзасидан амалий тадбирларни давом эттирди.



Уйма-уй юриб, одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммоларга бирга ечим изляялмиз.

“Ҳатто кичик омиллар ҳам эътибордан четда эмас”

Дилдора ХИДИРОВА,
Нурафшон шаҳридаги “Тараққиёт”, “Юксалиш” ва “Оппок” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолиятини бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин аввал туман ижтимоий бўлимида ишлаб, тизимни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўришимиз мумкин.

У вақтларда деярли ҳамма иш идорада бажариларди. Ходимлар кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирарди. Асосан, уларга реабилитация ва ортопедия мосламалари олиши учун рухсатнома ёзиб бериларди. Ҳаттоки, кўпчилик хизмат кўрсатишнинг бундай тури борлиги ҳақида билмаган.

Энди ҳаммаси ўзгарди. Уйма-уй юриб, одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммоларга бирга ечим изляялмиз. Кимни қандай масала уйлантираётганига қараб, муносиб хизмат кўрсатиляпти. Айтилик, ҳаракатланмиш имконияти чекланган фуқароларга Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси билан ногиронлик аравачаси 5 йил муддатга берилди. Эшитишда муаммоси бўлганлар махсус мосламани 4 йил муддатга олиш имконига эга. Бундан ташқари, яна кўплаб реабилитация ва ортопедия мосламалари билан инсонларнинг тўла-тўқис ҳаёт кечириши учун имкон қадар ўз хиссамизни қўшялмиз.

Фаолиятимизда кундан-кунга янги имкониятлар, янги қулайликлар пайдо бўляпти. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини янада чуқурроқ ўрганиялмиз. Олдин ўзгалар парваришига муҳтожларга ҳафтада икки кун икки соатдан хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир ижтимоий ходим ассистентлар ҳафтада етти кун уч соатдан кўмаклашиб келмоқда. Айрим фуқароларнинг яқин қариндошлари чет давлатга чиқиб кетган. Ёши анча улғу, овқат пишириб ейиш, кийимларини ювиш, бозор қилиб келиш имкони йўқ. Бир кун бормасак, кутилмаганда ахволи оғирлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб, дам олиш ҳамда байрам кунлари ҳам уларнинг ҳолидан хабардоримиз.

“Оппок” маҳалласида истиқомат қилувчи Шахноза Дадаева 1-гуруҳ ногирони бўлгани боис бизга электрон аравача олиш масаласида мурожаат қилди. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси фуқаронинг соғлигини инобатга олиб, оддий аравачадан фойдаланиши мумкин деб топди. Аслида Шахноза Дадаева бундан бир неча йил аввал хасталикка чалиниб, юрولмай қолган. Бундан ташқари, руҳий ҳолатида ҳам ўзгаришлар бор. Доимий равишда кимнингдир қаровига муҳтож. Айни вақтда ота-онаси билан бирга яшайди. Опа-сингиллари турмушга чиқиб кетишган бўлса-да, навбат билан унга қараб келмоқда.



Баъзан иш жараёнида шундай ҳолатлар учраб туради. Фуқаронинг мурожаати у хоҳлагандек ижобий ҳал бўлмаслиги мумкин. Бунда унинг хавфсизлиги, саломатлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Хонадонларга кирганда, ҳар бир кичик деталгача диққат билан эътибор қаратаман. Бу менга оиланинг шарт-шароити, уларнинг бир-бирига бўлган муносабати, қанчалик кўмакка муҳтожлиги ҳақида тулиқроқ маълумотга эга бўлишимга ёрдам беради. Суҳбат жараёнида кўпроқ одамларни тинглайман. Ҳамма дарду ташвишини ўзимникидек қабул қиламан. Қанчалик дўстона муносабатда бўлсам, шунчалик очилиб гаплашади.

“Юксалиш” маҳалласида истиқомат қиладиган бир фуқаронинг уйига кириб борганимда, мени шунчалар хурсанд бўлиб кутиб олди. “Сизни келишингизни кутаётганим”, деди хаяжонланиб. Ёши 60 дан ошиб қолган онахоннинг даволаниши учун моддий ёрдам сўраб ҳужжат топширдик.

Айтмоқчиманки, аҳолининг янгича ёндашувда хизмат кўрсатаётган ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида кундан-кунга кўпроқ тушунчаси бойияпти. Ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзлари борасида анчагина маълумотларга эга. Бу амалга оширилаётган ислохотларнинг энг катта натижаларидан бири, деб уйлайман.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



